

Оила мустаҳкамлигининг асосий омиллари



16:58 / 19.12.2023 1884

Ислом дини оила мустаҳкамлигига катта эътибор қаратган. Чунки оила жамият асоси ва ҳаёт давомчиси бўлган фарзандлар камол топадиган тарбия масканидир. Шу маънода қачон оилалар салоҳиятли бўлса, бундай оилалардан ташкил топган жамият ҳам салоҳиятли бўлади. Шунинг учун динимиз оилага иймон, муҳаббат, таълим-тарбия ва бахтли ҳаёт сари йўлловчи маскан сифатида қарашни вожиб қилган.

Динимиз кўрсатмаларига мувофиқ қурилган оила мустаҳкам қонун-қоидалар устига қурилган бўлади. Ҳаётда учрайдиган турли муаммолар бундай асос устига қурилган оила мустаҳкамлигига асло раҳна сола олмайди. Чунки бу оила Аллоҳнинг китобига, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига, инсониятнинг энг улуғи бўлган саҳобалар ва тобеинларнинг тутган йўлларига ҳамда азиз уламоларимизнинг кўрсатмаларига таянган бўлади.

Шу маънода Ислом динида ҳали оила қурилмасдан олдин уни қандай ташкил қилишга, яъни бутун ҳаёти давомида ўзига шерик бўладиган инсонни танлашда нимага эътибор бериш лозимлиги ҳақида тегишли кўрсатмалар бор. Қуйидаги ҳадиси шариф бунга далилдир:

حَكُّنُتْ لَاقٌ، مَلَسَ وَوَيْلَعُ لَلِ لَاصِي بِن لَلِ نَعُ، عُنَّ لَلِ لَاضِرَّ رَؤْيِي بَأْنَع
تَبَرَّتْ نِي دَلَاتِ اذْبَرْ فَطَافٌ، اَوْنِي دِلْوٌ، اَوَلِ اَمَجَلْوٌ، اَوَبَسَ حَلْوٌ، اَوَلِ اَمَلِ عِبْرَالُ اَرْمَلِ
عُيَلَعُ قَفَّتْ مَكَادِي

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёлга тўрт нарса учун уйланилади: Мол-дунёси, насл-насаби, ҳусни-жамоли ва дини учун. Сен диндорини танлагин, барака топасан», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Ушбу ҳадиси шарифда уйланадиган йигитларга турмушдан барака топиш учун аёлнинг фақатгина ё мол-дунёсига ё насл-насабига ёки ҳусни жамолига эмас, балки дини кўрсатмаларига риоя қиладиган гўзал хулқига эътибор бериш лозимлиги уқтирилган. Албатта, динига ихлос билан риоя қиладиган аёлда юқоридаги сифатлар ҳам топилса, янада яхшироқ бўлади.

Шунингдек иккинчи тарафга ҳам яъни аёл тарафга ҳам куёвнинг қайси жиҳатига эътибор бериш лозимлиги баён қилинган:

اِذَا مَلَسَ وَوَيْلَعُ لَلِ لَاصِي بِن لَلِ نَعُ، لَاقٌ، عُنَّ لَلِ لَاضِرَّ رَؤْيِي بَأْنَع
ضُرَّالِ يَفُؤْنَفُ نَكَّتْ اُولَعَفَاتِ اِلِ، هُوَجُّوَزَفُ، هُوَلُحُّ وَوَنَدِي وَوَضَرَّتْ نَمُؤْمُ كَيْلِ لَبَطُخ
يُذِمُّرَّتْ لُ اَوْرُضِي رَعُ دَاسَفُ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга дини ва хулқига рози бўладиган киши совчи қўйса, унга турмушга беринглар. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва катта бузғунчилик бўлади», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган.

Демак, қиз тараф ҳам дин кўрсатмаларига риоя қиладиган гўзал хулқли йигитга турмушга беришлари керак экан.

Бир киши Ҳасан ибн Алининг ҳузурларига келиб: «Менинг қизимга бир қанча йигитлардан совчилар келди. Уларнинг қайси бирига берай? деб сўрабди. Шунда у зот: **«Қизингни тақводорига бергин. Агар у қизингни яхши кўрса иззат-икром қилади, яхши кўрмаган тақдирда ҳам унга зулм қилмайди»,** деб жавоб берганлар.

تُنْكَوْلَ لِقَاقِ مَلَسَوْهُ وَيَلْعُ هَلَلِ لِيَصَّيْبُ نَلَّ عُنْ عُلَّ لِيَضَرَّ رِيَّ بَأَنْ عِيْ ذِمَّرْتِ لِهَآوَرِ. اَوْجُوْزَلْ دُجْسَتْ اَنْ اَرْمَلْ اَلْ دَحَّالْ دُجْسِيْ نَ اَدَحَّ اَرْمَآ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар бирор кишини бошқа бир кишига сажда қилишга буюрганимда, албатта аёлни эрига сажда қилишга буюрар эдим»**, дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган.

Яъни, аёлнинг эрига итоат қилиши ниҳоятда муҳим бўлганидан шу тарзда қаттиқ таъкидлаб баён қилинган. Шунга кўра аёл учун гуноҳ бўлмаган барча ишларда эрига итоат қилиши вожиб бўлади.

Шунингдек оила мустаҳкамлигининг яна муҳим омилларидан бири аёлнинг эри учун зийнатланишидир. Кўчага пардоз-андоз қилиб эрига бепардоз кўринадиган аёл динимиз одобларига риоя қилмаган ва бунинг натижасида оила мустаҳкамлигига путур етказаётган аёл ҳисобланади. Уйда эрига чиройли кўринадиган ва эри ёқтирмайдиган нарсалардан сақланадиган аёлни ҳадиси шарифда энг яхши аёл дейилган:

أَيُّ الْمَلَسَوْهُ وَيَلْعُ هَلَلِ لِيَصَّيْبُ نَلَّ عُنْ عُلَّ لِيَضَرَّ رِيَّ بَأَنْ عِيْ ذِمَّرْتِ لِهَآوَرِ. اَوْجُوْزَلْ دُجْسَتْ اَنْ اَرْمَلْ اَلْ دَحَّالْ دُجْسِيْ نَ اَدَحَّ اَرْمَآ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аёлларнинг энг яхшиси қайси?», дейилди. У зот: **«(Эри унга) қараса, хурсанд қиладиган, буюрса, итоат қиладиган ва ўз нафсида ва молида эри ёқтирмайдиган нарсалар билан унга қарши бормайдиган аёл»**, дедилар.

Насоий ривоят қилган.

«Таёқнинг икки учи бор» деганларидек, эр аёлини ўзига ёқадиган кўринишда бўлишини хоҳлагани каби ўзи ҳам аёли учун зийнатланиши лозим бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Аёлимнинг мен учун зийнатланишини хоҳлаганимдек мен ҳам у учун зийнатланишни яхши кўраман», деган.

Оила мустаҳкамлигининг энг асосий муҳим омилларидан яна бири оиланинг барча таъминотлари эркак томонидан бўлишидир. Чунки эрнинг раҳбарлиги тўлиқ бўлиши учун оиланинг барча сарф харажатлари эр томонидан таъминланиши лозим бўлади. Бу ҳақда Қуръони Каримда бундай дейилган:

نَمُؤَقْفَنَآْمَبَوِضْعَبِىَلَعْمُهَضْعَبُؤَلَلِلْضَفِآْمَبِءَسِّنَلِىَلَعَنُؤْمَؤَقُّلْآَجَّرَلِا
مُهَلْؤَمَّأ

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб - Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир» (Нисо сураси, 34-оят).

Ушбу оятда эркакнинг оилани ҳимоя қиладиган қувватли бўлиши каби хусусиятлари туфайли ҳамда оила харажатлари учун ўз мол-мулкидан сарф қилиши сабабли аёли устидан бошлиқ бўлиши хабар берилган.

Хулоса қилиб айтганда динимиз кўрсатмаларига риоя қилинган оилада эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар кам бўлади. Чунки бу оила ҳаётда учрайдиган ташвишлар уни қимирлата олмайдиган мустаҳкам асос устига қурилган бўлади. Агар бирор тушунмовчилик бўлган тақдирда ҳам эр-хотин дарҳол уни бартараф этишга шошиладилар. Натижада бу оила меҳроқибат ва тинч-тотувлик ҳукм сурадиган фароғат масканига айланади. Чунки Аллоҳ таоло бу оиладаги эр хотин ўртасида иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилган бўлади:

ؤؤؤْمُؤْمُؤَنِّيَبَلْعَجْوَاهِيْلِاؤُنْكُسَتَلْآَجْؤَرَأْمُكْسُفَنَأْمُؤَكَلْقَلْخَنُؤِهَتِآِيَأْمَو
ؤؤؤْمُؤَحْرَو

«Унинг аломатларидан (яна бири) - сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир» (Рум сураси, 21-оят).

Яъни, бу оилада аёл эрининг кўз қувончи бўлганидек, эр ҳам аёлининг кўзини қувонтирадиган бўлади. Улар ўзаро меҳр муҳаббат асосида ҳаёт кечирадилар.

Жалолиддин домла Ҳамроқулов

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*